“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салойдинов

«19» декабрь 2024 й.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонунига киритилган ўзгартиришлар мавзусида ўтказилган давра суҳбати юзасидан мажлис БАЁНИ

Тошкент ш. **2024 йил 19 декабрь**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

Маърузачи: Юридик ва комплаенс-назорат бўлими бош юрисконсульти - монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун масъул шахс О.Э. Умурзаков.

Давра суҳбати ЎзРВБ маъмурий биносининг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтди.

О.Э. Умурзаков сўзга чиқиб, ЎзРВБнинг “Технологияларни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш” шиори остида 2024 йилда ЎзРВБ фаолиятида стратегик аҳамиятга эга мақсад йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ ЎзРВБ ходимларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари ошириш мақсадида ўқув-семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ўтказиш белгиланганлигини айтиб ўтди.

Сўнгра, маърузачи Ўзбекистон Республикаси Рақобат ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан слайд кўринишида тайёрланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонунига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни слайд кўринишида тушунтириб берди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинишига асосий омил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6019-сон Фармони 6-банди ҳисобланади. Мазкур Фармонда халқаро тажрибани ўрганиш асосида ва рақобат муҳитини шакллантириш механизмини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги ва "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунларини бирлаштирган ҳолда ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Қонунни ишлаб чиқишда масъул идоралардан 17 нафар мутахассис иштирок этди.

Шунингдек, Қонунни ишлаб чиқишда халқаро молия институтлари экспертларининг жами 38 та тавсияси инобатга олинди (шу жумладан Жаҳон банкининг 26 та, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 11 та ва Осиё тараққиёт банкининг 1 та тавсиялари).

Қонунга киритилган асосий ўзгартиришлар:

- “рақамли платформа”, “давлат иштирокидаги корхона”, “уларнинг аффилланган шахслари” каби тушунчалар киритилди;

- асосий принциплар белгиланди;

- НҲҲларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаши назарда тутилди;

- устун мавқени белгилашнинг янги мезонлари белгиланди;

- молиявий жарималар ва жавобгарликдан озод қилиш шартлари киритилди;

- иқтисодий концентрацияга розилик олиш учун корхоналар активлари қийматига талаб 5 бараварга оширилди;

- рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди;

- рақобатни қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Сенатга ҳисобдорлиги белгиланди;

- монополияга қарши комплаенс институти киритилди;

- устун музокара кучи институти киритилди;

- давлат ёрдамини тақдим этишга нисбатан талаблар белгиланди;

- давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига нисбатан талаблар белгиланди.

Шундан сўнг, маърузачи Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунга киритилган асосий ўзгартиришларни давра сухбати иштирокчиларига атрофлича тушунтириш берди.

ЎзРВБ ходимлари тадбир сўнггида ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачидан атрофлича жавоб олишди.

Баёнлаштирилди:

Масъул ходим **О.Э.Умурзаков**

19-12-2024 йил